

**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОЙИ -
ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.**

Аширова Ноила Хасан кизи

Чирчик Давлат Педагогика Университети

Аннотатсия: Ушбу мақолада шарқ иқтисодий тараққиётида Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари ва ислохотлари ёритилган. Амир Темур давлатида иқтисодий таназулга қарши қандай ишлар амалга оширилганлиги, иқтисоддаги ҳаёт, сиёсий қарашлар баён этилган.

Калит сўзлар: иқтисод, сиёсат, маънавият, маърифат, “Темур тузуклари”, файласуф, сиёсат.

Аннотация: Экономические взгляды Амира Темура сыграли важную роль в экономическом развитии Востока. Амир Темур создал возможности для работы всех людей.

Ключевые слова: экономика, политика, духовность, просвещение, «Тузуклари Тимур», философ.

Abstract: Amir Temur's economic views played an important role in the economic development of the East. Amir Temur created opportunities for all people to work.

Key words: economy, politics, spirituality, enlightenment, "Tuzuklari Timur", philosopher.

Мўғуллар босқини ўлкамизнинг моддий ва маънавий маданияти тараққиётини бир неча юз йиллар орқага суриб юборди. Асрлар давомида халқимизнинг ақл-заковати билан бунёд этилган гузар, шаҳар ва қишлоқлар, осмонўпар тарихий қурилиш обидалар, бинокорлик ва меъморчилик



санъатининг нодир ва бетакрор нусхалар ер билан яксон қилинди. Уларнинг кули кўкка совирилди. Айниқса, маънавий меросимиз кўрган зарарни тил билан ифода этиш қийин. Ёзма манбаалар, нодир китоблар ёндирилди, оёқ остларида топталди. Муғуллар ва фан ва маданият арбоблари, олиму фузалолар, шоир ва ёзувчилар халқимизнинг минг-минглаб улуғ фарзандларни ёппасига қириб ташладилар. Маданий ҳаётга шу қадар катта зарба берилдики, уни XIV асрнинг ярмиларига қадар ҳам тиклаб бўлмади. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларидан эътиборан шаҳар ва қишлоқларда хўжалик ҳаётининг жонланиши билан маданий соҳада ҳам баъзи-бир тармоқларнинг оёққа тура бошлаши кўзга ташланди. XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида моддий маданият билан бир қаторда маънавий маданиятда ҳам халқ ўз интилиши ва қизиқишларини ифода этган.

Озодлик, ҳурликка ва эрққа ташна улуғ авлод-аждодларимиз муғуллар зулмига қарши курашдилар, маърифатга, зиёга ва нурга интилдилар, ниҳоят босқинчи галаларни ватанимиз ҳудудидан улоқтириб ташладилар. Жонажон она тарихимизнинг бу олтин даври улуғ бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти билан боғлиқдир.

XIV аср ўрталарида Чиғатойулуси парчаланиб, улуснинг шарқий қисми-Шарқий Туркистон ва Еттисувда турк ва муғул қабилаларини ўз ичига олган Муғулистон феодалдавлати ташкил топади. 1348 йили Чиғатой наслидан бўлган Туғлуқ Темур Муғулистон хони қилиб кўтарилади. Муғулистон амирларининг улуснинг ғарбий қисми-Мовароуннаҳрни ҳам босиб олишга ҳаракат қиладилар. Бир неча бор Мовароуннаҳр устига юриш қилиб, уни талаб қайтадилар. Муғулларнинг вайронагарчилик юришларига қарши кураш бошланиб кетди. Муғуллар истибдоди ва зулмга қарши ҳаракати бошланди. Мана шундай ички ўзаро урушлар қизиган, муғуллар зулмига қарши халқ ҳаракатлари бошлаган бир даврда қисқа вақт ичида жаҳон империяси вужудга келтирган Соҳибқирон

Темур сиёсат майдонига дастлабки қадамларини қўймоқда эди. Амур Темур 1336 йилда Кеш (Шахрисабз) шаҳри яқинида жойлашган Хўжаилғор қишлоғида дунёга келади. Унинг отасини Амир Тарағай ва амакиси Хожи Барлослар қабиласининг Билар ва йирик мулкдор амирларидан эди. Темур ёшлиқ чоғлариданоқ ҳарбий ишга ниҳоятда қизиқарди. У тездамоҳир суворий ва қўрқмас жангчи сифатида бутун Қашқадарё воҳасига танилади. Унинг атрофида Барлос қабиласидан чиққан жангчи ёшлар тўплана бошлайдилар. Темур қўл остидаги навкарлар билан айрим амирларга хизмат қилади. Жангларда чиниқади. 1360-1361 йилларда Чигатой хонидан бўлган Муғулистон хони Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади. У ҳеч қандай қаршиликсиз Қашқадарё воҳасига бостириб киради. Ўша вақтларда Қашқадарё вилоятининг ҳокими Хожи Барлос душманга қарши курашиш ўрнига Хуросонга қочади ва ўшаерда ўлдирилади. Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур ишончини қозониб унинг хизматига ўтади ва Кеш вилоятига ҳоким бўлиб тайинланишга муваффақ бўлади. Муғулистон хони Туғлуқ Темурўғли Илёс хўжани Мовароуннаҳрнинг ҳокими қилиб юборади. Аммо Темур унга хизмат қилишни истамайди ва Балх ҳокими Амир Ҳусайн ибн Муссалон ибн Қозоғон билан иттифоқ тузади. Темур Ҳусайннинг синглиси Ўлжаой Туркон оғага уйлангач уларнинг иттифоқи қариндошлик алоқалари туфайли янада мустаҳкамланади. Темур аввал ўзбошимча амирларга қарши ички сўнгра Муғулларга қарши ташқи кураш олиб боради. Сейистондаги жангларда қўл ва оёғидан ярадор бўлиб, бир умрга оқсоқ бўлиб қолади. Темур ўсмирлик йиллариданоқ Қуръонни ёд билган уни уламолар интиқом қилишиб қувваи хотирасига тассаннолар ўқишган. Темур 16-18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва шикор қилиш санъатини моҳирона эгаллайди. 20 ёшида эса абжир чавандоз бўлиб етишади. Энди у ўз вақтини тенгқурлари билан



ўтказишни бошлайди.

Соҳибқирон Амир Темур тарихан ўта мураккаб вазиятда, XIV асрнинг 60-йилларида сиёсат майдонига чиқади. Амир Темурнинг Самарқанд тахти учун курашиш даври 1361-1370 йилларни ўз ичига олади. Бу мақсадга эришиш йўлидаги қадамни у ўз хотинининг акаси Балх вилоятининг ҳокими Амир Ҳусайн билан яқинлашиб Илёс хўжага қарши кураш бошлайди. Темур Мовароуннахрни муғуллар зулмидан озод қилишни ва марказлашган кучли давлат тузишни ўз олдига бошмақсад қилиб қўйганди. Шунинг учун у Илёсхўжа қўл остида бўлишни истамас эди. Темурнинг бу юлдаги хатти ҳаракатлари тўғрисида Илёсхўжа отаси Туғлуқ Темурга хат ёзиб «Темур бизга қарши исён тиғини кўтарди» деган. Хон ўз навбатида Темурни ўлдириш тўғрисида ёрлик жўнатади, лекин бу ёрлик Темур қўлига тушиб қолади. Бу ҳужжатдан хабар топган Темур муғулларга қарши қатъий чоралар кўриш учун жасур ва қатъиатли жангчиларни тўплашга қарор қилади. Темур ўз йигитлари билан биргаликда Бадахшон томон чекиниб, маслакдошлар қидириб, сўнг Бадахшондан Хоразм томон юради. Хоразм сари йўл олган Темур йўл-йўлакай Балхда тўхтаб унча катта бўлмаган куч билан Амир Ҳусайнни ўз йўлига тортади.

Амир Темурни Хоразмда пайдо бўлганлигидан хабар топган ва уни ўлдириш тўғрисида Илёсхўжадан махсус топшириқ олган Хива ҳокими Тўқал Баҳодир мингта отлик жангчилари билан Темурга хужум қилади. Бу жангда Темур оз сонли йигитлар билан Тўқал Баҳодирнинг минг кишилиқ лашкарини тор-мор келтиради. Жанг оқибатида Хоразм аскарларидан 50 киши Амир Темур кучларидан 10 киши, яъни етти отлик ва 3 тапиёда Хуросонлик қолган. Бу учта Хуросонлик ҳам кунларнинг бирида тунда пайт пойлаб учта отни ўғирлаб қочадилар. Темур ғоят оғир аҳволга тушади. Бу ҳолатдан хабар топган Махон ҳокими Турклан Алибек Жонибек Қурбон Илёсхўжага ёқиш мақсадида Темурни қўлга олади ва зиндонга



ташлайди. Темур зиндонда 62 кун ётиб катта жасоратлар эвазига озодликка чиқади. Соҳибқирон ўзининг 12 жангчиси билан яна чўл кезишда давом этади. Шу пайт уларга туркманлар ҳужум қиладилар. Жанг давомида Амир Темурни таниб қолган туркманлардан бири ўз йигитлари билан Темурга кўшиладилар. Энди Темур йигитлари 60 кишига етади ва улар билан Темур Хуросон томон йўл олади йўл-йўлакай Темурга бир неча жангчилар келиб кўшилади. Темур аскарларининг сони 200 тага етади. Улар Бухорога етиб борганларида Темур тарафдорлари 2000 кишидан ошган эди. Темур Бухородан Қандаҳорга келганида унга яна 1000 киши келиб кўшилади. Аммо ҳали бу кучлар билан Илёсхўжа кучларига қарши жанг қилиб бўлмаслигини Темур яхши билар эди. Чунки унинг рақиблари 100 000 кўшин тўплай олиш ниятида эдилар. Шунинг учун Темур ўз қўл остидаги кучлар ёрдамида баъзи бир ҳудудларни эгаллаб куч ва қудратини оширишга қарор қилади. Ана шу мақсадда у Гарисер вилоятини эгаллайди. Бу ерда ҳам 1000 та отлик турк ва тожик сипоҳлар Темур лашкарлари сонини тўлдирадилар. Энди ўзини қудратли ҳис қилган Темур Сиестон ерларига ҳамла қилади ва уни эгаллайди. Бу ердаги шиддатли жангда Темур ўнг қўли ва ўнг оёғидан қаттиқ яраланади.

Мовароуннаҳрдан ҳайдалган Илёсхўжа 1365йилда катта кўшин билан Сирдарё томон йўлга чиқади. Ҳусайн билан Темур зудлик билан жангга тайёрланадилар. Улар ўртасидаги жанг ўша йил май ойининг 22 чисида Чиноз билан Тошкент ўртасида бўлади. Жанг пайтида қаттиқ жала ёғиб, лойгарчилик бўлганлигидан

тарихда у «Жанги лой» номи билан машҳур бўлиб қолган. Жангда Темур билан Ҳусайн келишиб ҳаракат қилмаганликлари оқибатида уларнинг бирлашган кўшини мағлубиятга учрайди. Чунки жангда Темур кўшини душманнинг ўнг қанотини чекинишга мажбур қилиб зафар топаётган бир пайтда Ҳусайн ўз аскарлари билан чап қанотдан енгилиб жанг майдонини



тарк этади.Яккаланиб қолган Темур эса чекинишга мажбур бўлади.Лой жангида гимағлубият душманга Мовароуннаҳрга хусусан унинг марказига йўл очиб беради.Муғуллар Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларида одатий талон-тарожни

яна давом эттирадилар.Мана шундай оғир бир сиёсий вазиятда ҳокимиятсиз қолган мамалакат аҳолиси, гарчи ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса ҳам Она юрт мудофаасини ўз қўлларига олишга ва муғуллар хужумини қайтаришга киришади.Ўз ғалабаларидан сармаст бўлган Илёсхўжа бошлиқ муғуллар жабрдийда халқнинг қақшатқич зарбасига учрайди.Мовароуннаҳрда қарийиб бир ярим аср давом этган муғуллар ҳукмронлиги ва маҳаллий феодалларга қарши кўтарилган бу ҳаракат тарихда «Сарбадорлар» ҳаракати номи билан шуҳрат топади.

Сарбадорлар ҳаракати даставвал 1337 йил эрта баҳорида Хуросонда бошланади.Сарбадорлар мақсадга эришиш учун озодлик йўлида дорга осилишга ҳам тайёрмиз деган шиор остида муғул босқинчилари ва маҳаллий мулкдорлар зулмига қарши кураш олиб борадилар.Хуросоннинг ғарбий қисмида Муғуллар ҳукмронлигини тор-мор қилиб мустақил Сарбадорлар давлати барпо этадилар.Бу давлатнинг маркази Сабзавор шаҳрида бўлиб, у 1337-йилдан 1381-йилгача қарийиб 45-йил ҳукм суради.Сарбадорлар асосан деҳқонлар, ҳунармандлар, шайхлар, қуллардан иборат бўлиб, улар ичида икки оқим буюк салтанат барпо қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Соҳибқирон қайси бир мамлакатга лашкар тортиб бормасин,у адолатни ҳимоя қилган, инсоф ва диёнат учун жангга кирган.Темур замонасининг буюк империясини барпо қилган бўлсада, аммо у умрининг охиригача ўзини бу давлатнинг «қонуний хони» деб эълон қилолмади.Чунки у насл-насаби жиҳатидан Чингизийлар сулоласига мансуб эмасэди.Шунинг учун ҳам Амир Қозонхон томонидан белгиланган анъанага кўра, Темур аввал ўз ҳузурида Мовароуннаҳрнинг Чингизхон авлодидан



бўлган 30-хони Суюрғотмишни, унинг вафотидан кейин эса Суюрғотмишнинг ўғли Султон Маҳмуджонни расмий хон қилиб кўтариб, хатто умрининг охиригача уларнинг номидан ёрликлар чиқартиради, пуллар зарб эттиради. Аммо ҳар икки хон ҳам номигагина хон бўлиб давлатнинг сиёсий ҳаётига ва Темур берган фармойишларга аралашмасдилар. Шунга қарамадан, Темур мамлакатда ўзининг бевосита ҳукмронлигига қонуний тус бериш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида ўзининг олдинги рақиби Амир Ҳусайннинг тул хотини Сарой Мулкхонимга уйланади. Сарой Мулкхоним Мовароуннахрнинг Чигатой хонадонидан чиққан сўнгги хони Чингизийлар авлоди Қозонхоннинг қизи эди. 1370 йилда Сарой Мулкхоним билан бўлган никоҳ туфайли Темур ўзининг даражасига «Кўрагон» яъни «Хоннинг куёви» унвонини кўшиб олади ва расмий ҳужжатларда «Амир Темур Кўрагоний» номи билан юритишга мушарраф бўлади. Темур ички ва ташқи сиёсатида асосан ҳарбий кўшинга таянар эди. Темур кўшини 10 талик аскарий бирикмалари асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Темур аскар ва амирликларга алоҳида эътибор беради. Ҳар бир зобит жанг қилиш Услугларини яхши билиши фарз саналган. Буюк лашкарбоши ва ҳарбий ташкилотчи сифатида Темур ўта интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида кўшин қисмларини санъаткорона бошқариши, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга армиядаги жанговор руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди. Соҳибқирон Турк-муғул халқлари, хусусан Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш омилларини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилади ва зарур ўзгартиришлар киритади. Темур кўшининг таркиби Мовароуннахр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, эрон, Бадахшон, Муғулистон, Хоразм, Мозандарон, сингари ерлардан йиғилган аскарларидан ташкил қилар эди.



Душман мудофаасини турли усуллар ёрдамида барбод қилиш, ғаним томонининг йирик ва мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга бўлган шаҳарларга кўққисдан зарба бериш, забт этилган мамлакатларнинг бошлиқларини айниқса лашкар бошиларни ҳибсга олиш, қалъа ва кўрғонларни узоқ муддат давомида мухосара қилиш, ёв кучларни иложи борица кенг камровда қуршаб олиш, унинг қишлоқ, туман, шаҳар, вилоятларни бирин-кетин фатҳ этиш, душманни батамом яксон этгунга қадар таъқиб қилиш, фатҳ бўлган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларни кўзлаб иш юритиш Темурга кўплаб зафарлар олиб келди.Тарихий манбааларда келтирилган маълумотларга қараганда, отлиқ аскарлар Темурнинг зарбдор қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил қуроллар билан қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган.Юришга жўнашдан олдин Темур аркони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш-машваратга чақирган.Айни чоғда улуснинг турли вилоят ва туманларида, шунингдек тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйруқ-тўнкал эълон қилинган.

Мамлакатда тез-тез содир бўладиган ўзаро ички урушларга қарамасдан XV асрда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида бир мунча ободончилик ишлари амалга оширилди.Мавжуд суғориш тармоқларини таъминлаш ва кенгайтириш ҳамда янги ариқлар қазилиб, ободонлаштириш ишларига маълум даражада аҳамият беради.Дехқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинади.Даштларга сув чиқарилиб, янги ер майдонлари ўзлаштирилади.Бу борада хусусий соҳибкорларнинг дашт жойларига янги ерларни очиш каналлар қазиб боғлар барпо қилиш, қаровсиз қолган ташландиқ ерларни суғориб обод этиш учун амалга оширилган ҳар қандай фаолият темурийлар томонидан қўллаб-қувватланади.Ҳатто бундай соҳибкорлар бир икки йил давомида ҳамма



солиқ ва тўловлардан озод этилган. Деҳқончилик майдонларнинг бошқа каттагина қисми хусусий ерлардан иборат эди. Мовароннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимиятнинг маълум даражада барқарорлигини йирик шаҳарлар ва бекликларда амалга оширилган ободончилик ва деҳқончиликни кенгайтиши шубҳасиз мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган, хунармандчилик, савдо ва товар пул муносабатларининг ривожланиши учун кенг юл очиб беради. XV асрда хусусан унинг охириги чораги ҳамда XVI аср бошларида хунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топиб, истеъмол молларини ишлаб чиқариш ғоят кўпайди. Ички чаканасавдо ва пул муносабатлар кенгайиб у шаҳар ва унинг атрофи аҳолисини, айниқса омилкор табақаларни ўз гирдобига ҳам қамраб олади. XV асрда темурийлар давлати Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа кўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб боради. Шуниси ҳам борки, XV асрда хусусан унинг биринчи ярмида мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан раванқ топиши, айниқса хунармандчилик ва ички савдонинг ривожланиши маълум даражада шу даврда ўтказилган пул ислоҳоти билан боғлиқ эди. Амир Темур ва унинг вафотидан кейин Темурий шаҳзодалар ўртасида бошланган ўзаро курашлар ва ҳарбий юришлар мамлакатнинг ички ҳаётига салбий таъсир этсада, бироқ Шохрух, Улуғбек, Абдусаид, Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврларда мамлакатда маълум даражада қарор топган осойишталик туфайли илгаридан давом этиб келаётган анъаналар асосида илм-фан ва маданият янада

жонланади.

XV асрда Самарқанд ва Ҳиротда меъморчилик, наққошлик, тасвирий санъат, адабиёт юксак даражада тараққий этади. Темурий ҳукмдорлар орасида айниқса Улуғбек бобоси Темур каби мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият беради. У ҳукмдорлик қилган даврларда бир қанча масжид мадраса, ҳаммом, сардоба ва карвонсаройлар қурилади. Мозорот ва



зиёратгоҳлар обод этилади. Аввало у Темур даврида куриб битказилмаган талайгина биноларни ниҳоясига етказди. Улуғбек айниқса Самарқандни обод қилишга катта эътибор беради. Унинг даврида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони шаклланади. 210 гумбазли Кўкалдош Жоме масжиди қад кўтаради. Бундай иморатлардан фақат Улуғбек мадрасасигина сақланиб қолган. XV асрнинг маданий ҳаётида истироҳат боғлари ташкил этиш санъати ҳам диққатга сазовордир. Самарқанд, Бухоро, Марв, Ҳиротқаби йирик шаҳарлар атрофида гўзал оромгоҳлар барпо этилади.

«Тузуки Темурий» (Темуртузуклари), «Малфизоти Темурий» (Темурийнинг айтганлари) ва «Воқеоти Темурий» (Темурнинг бошидан кечирганлари) номлари билан аталмиш бу асарлар эътиборга молик тарихий манбаалар жумласидандир. Бу асарларнинг нусхалари, қўлёзмалари ҳам, тошбосмалари ҳам кўп тарқалган, «Темур тузуклари»-подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир. Асар икки қисмдан иборат: *биринчи қисмда* жаҳон тарихида машҳур Фотиҳ саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг 7 ёшидан то вафотигача (1405-йил 18-феврал) қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, феодал тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юрт ва мамлакатларни, жумладан: эрон ва Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон (1376-1395), бутун Европага қўрқув ва даҳшат солган Туркия Султони Боязид Йилдирим (1389-1402)га қарши ва ниҳоят, Буюк Жаҳонгирнинг Озарбай-жон, Грузия, Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисми. Жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тожи тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насихатларидан иборат. У давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг



вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларни маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларини бурч вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу-тахт олдида кўрсатган хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради. Асарнинг муаллифи маълум эмас. Бутун воқеа бир шахс-Амир Темури номидан ҳикоя қилинади. Аслида шундайми, ёки Амир Темури айтиб туриб котиб ёзиб олганми, ё бўлмаса унинг айтганларини кимдир жам қилиб китоб тузганми, бу ҳақида қатъий фикрайтиш қийин. Шарқ мамлакатларида машҳур бу асар чиндан ҳам Амир Темури тарафидан ёзилганлиги ва унинг таржимаи ҳоли эканлиги эътироф қиланди. Чунончи Сомийнинг

«Қомус ул-Аълам» асарида Амир Темурининг «Тузукот»-унволи қонунлар мажмуасини қаламга олиб унда ўзининг таржимаи ҳоли эканлиги эътироф қилинади. Темури билан Тўхтамишхон ўртасидаги урушлар тарихини ёзган франсуз шарқшуноси М. Шарму ва русҳарбий тарихчиси М. И. Иванин (1801-1874 йил) «Тузуқлар»ни Амир Темури ўзи ёзган ва у муҳим автобиографик асар деб айтганлар. Бироқ европалик бошқа бир гуруҳ олимлар

«Темури тузуқлари»ни сохта асар, уни Амир Темури ёзмаган дейдилар. Инглиз олими Ч. А. Сторн юқоридан зикр этилган Мир Абу Ал Хусайнийат-Турбатийни асарм уаллифи деб тахмин қилган. Хуллас, қандай бўлмасин асарни Темури ёки бошқа одам ёзганлигидан қатъий назар у сохта эмас балки чин асардир. «Темури тузуқлари» Амир Темурининг тарихи унинг замонида, аниқроғи 1342-1405 йиллар орасида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи Темури ва темурийлар давлати ҳамда, қўшинининг тузилиши, ўша йилларда Темури давлатининг қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади. Давлат асосини 12тоифа:

1. Сайидлар, уламо, машойик, фозилкишилар;
2. Ишбилармон, донишмандодамлар
3. Художўй, тарки дунё қилган кишилар;
4. Нўёнлар,



амирлар, мингбошилар; 5.

Сипоҳ ва раият; 6.Махсус ишончли кишилар; 7.Вазирлар, саркотиблар; 8. Ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар; 9.Тавсир ва ҳадис олимлари; 10.Аҳли ҳунар санъатчилар; 11.Суфийлар;

12. Сайёҳлар ва савдогарларни ташкил этади.Унинг тақдирини эса уч нарса подшо, хазина, аскар ҳал қилади.

Иккинчи мисол, қўшин асосан ўн, юз, минг ва туманга бўлинган.Ўн кишилик ҳарбий бўлинма тепасида турган бошлиқ ўнбоши, юз кишилик қисмнинг бошлиғи юзбоши, минг кишилик қўшин етакчисини номи-мингбоши, туман бошлиғи деб аталган.Асарда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ойлик маоши ҳам аниқ кўрсатилган.Масалан, оддий сипоҳий минган отнинг баҳоси баробарида, ўнбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар кўп маош олишган.

«Тузук»ларда вазирлар, амирлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар ҳам келтирилган.

Масалан,Темур давлатини етти вазир:

1. Мамлакат ва раият ишлари буйича вазир:
 2. Вазирисипоҳ, яъни ҳарбийишлар буйича вазир:
 3. Эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш вазири:
 4. Салтанатнинг кирим-чиқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия ишлари вазири:
 5. Сарҳад вилоятларининг ишларини назорат этиб турувчи вазирлар.
- дейлади Тузукларда-салтанат устунларидир.Улар мамлакат ободончилигини раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар.Давлат салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдилар.Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда моли-жонини аямайдилар).

Амирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор.Тузукларда

келтирилган маълумотларга қараганда амирлар асосан ҳарбий кишилар бўлишган ва Амир Темурга тобе бўлган қирқ аймақдан 12 таси: Барлос, Сергин, Жалойир, Тоқувчи, Дўлдой, Мўғул, Сулдуз, Тугай, Қипчок, Арлот, Татар ва Тархонлар ичидан сайлаб олинган. Тузукларда вазирлар, амирлар, ҳокимларга бериладиган инъомлар ҳақида ҳам гапирилган. Масалан, қайси бир амир бирон қўшинни енгса ёки мамлакатни олса уни уч нарса;

1. Туғ, ноғора ва баҳодирлик мартабаси;
2. Давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи;
3. Бирор сарҳаднинг ноиблиги билан сайланганлар;

Амир Темур шундай дейди: «Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, дўст-душман оиласида муомала, муросаи-мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим». Амир Темурнинг пирларидан Зайниддин Абубақр Тойбадий-машҳур шайх, улуғ шайхулисом Амир Темурга шундай ёзади:

«Амир Темур салтанат ишларида тўртнарсга амал қилгин яъни:

1. Кенгаш;
2. Машварату маслаҳат;
3. Қатъийқарор, тадбиркорлик, хушёрлик;
4. Эҳтиёткорлик.

5. Чунки кенгаш машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин: Унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан салтанат бошқаришда машварату-маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб пушаймон бўлмагайсан», деб ёзади ўз мактубида.

6. Бу мактубда ёзилган сўзлар эса салтанат ишларида Амир Темур учун энг тўғри йўлбошчи эди. Шунинг учун Амир Темур давлат ишларининг 9 улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо

келтиришни англайди.Амир Темурнинг ўз ўрнида амалга оширган тадбири душманнингсон-саноксиз лашкарини ожизликда қолдиради ва ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб беради, сўнгра енгилади.Амир Темур шундай дейди: «Мен 243 киши билан кенгашган ва тадбир юритган ҳолда

7. Қарши қалъаси устига юрдим Амир Мусо ва Малик Баҳодир 12 минг отлик аскар билан устимга бостириб келиб мени Қарши қалъасида қамал қилдилар. Мен тангрининг мадади ва иноятига ишониб тадбиркорлик ва эҳтиёткорлик ишлатган ҳолда ва бир неча маротаба душманлар билан жанг қилдим.Пировардида шу 243 йигитим билан 12 минг отлик лашкарни мағлубиятга учратдим»-дейди. Амир Темур ҳар ишни кенгашган ҳолда қилди.Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб мажлис очилар экан, яхши ёмондан, фойдани зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш қилмасликдан сўз очиб улардан фикр сўраб ишни хатарли томонларига кўпроқ эътибор берарди. Кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир.«Темур тузуклари»ни бутун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, масалан, Россия, Англия, Франция, АҚШ, Дания, Ҳиндистон, Туркия, Миср кутубхоналаридан топса бўлади.Ўз ўзидан маълумки, қайси бир асар қимматли, амалда зарур бўлса, ундан кўпроқ нусха кўчирилган. «Темур тузуклари» ҳам шундай асардир. У кўпроқ соҳиби тожларга керак. Шунинг учун ҳам ҳукмдорларнинг кўпчилиги бу ва шунга ўхшаш асарлардан нусха кўчиртириб, шахсий кутубхоналарида сақланган ижтимоий-сиёсий фаолиятларида улардан муҳим йўл-йўрик сифатида фойдаланганлар.

8. «Темуртузуклари»асарида фан учун муҳим маълумот ва фактлар кўп.

9. «Темуртузуклари»Амир Темурнинг тарихини, унинг замонида, аниқроғи, 1342-1405йиллар орасида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур ва темурийлар давлати, ҳамда қўшиннинг тузилиши, ўша йилларда Темур давлатининг қўшни мамлакатлар билан бўлган



муносабатларини билиб олишимиз мумкин. Мустақил Ўзбекистонимизда давлатни бошқариш тизимида ҳам бу асарнинг роли бениҳоя каттадир

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар, 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Амир Темур –фахримиз, ғуруримиз. Асарлар, 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темурноми барҳаётдир. Асарлар, 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: Шарф, 2000. –Б. 151-189.
8. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (хаёти ва ижтимоий сиёсий фаолияти). –Т.: 1996.
9. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-жилдлик. –Т.: Меҳнат, 1992.
10. Темур тузуклари Таҳрир хайъати: Б. Абдуҳалилов ва бошқ., Форсча м матндан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж. –Т.: Ўзбекистон, 2011
11. Usmonov Q. va boshq. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2006. – В В. 164-185.
12. Usmonov Q. va boshq. O'zbekiston tarixi. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2016. – В. 151- 1 170.
13. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. –Т.: Янги аср авлоди, 2012. –Б. 262-302.
14. Shamsutdinov R. Mo'minov X. O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma. –Т.: Sharq, 2 2013. –В. 179-251.

15. Shamsutdinov R.va boshq.Vatan tarixi.Mas’ul muharrir:A.Sagdullayev.–
T.:ShSharq,2016.–B.362-519.
16. Ўзбекистон тарихи Р.Муртазаева умумий таҳрири остида.Т.:Янги аср
авлоди,2003.–Б.268-289.